



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**  
**КАМОЛОТ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ**



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ  
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XV- ёш  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг  
илмий-амалий анжуман*



*XV – traditional Republic scientific –  
practical conference of young  
scientists, master students and talented  
students under the topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
RECOURCES”**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент – 2016 йил 15 – 16 апрель**

билан раҳбарлик қилсалар, бунга улар ҳам ижобий қарайдилар, лекин бу раҳбарлик катталарнинг хоши – истаги устунлиги асосида бўлса, бундай ҳолда бола тўла қаршилик кўрсатади. Бу ҳолат кўп вазиятларда салбий натижаларга олиб келади, яъни боламизда депрессия ҳолати кузатилади.

**10-11 ёшдаги болали ота-оналаримизга маслаҳат:** Агар фарзандингиз сиздан секин асталик билан узоқлашганини сезиб қолсангиз, куч билан мажбурий ўзизга бўй сўндириш, яъни тобе қилиб қўйишга ҳаракат қилманг. Мақсадли назорат бўлиши лозим, лекин жаҳлга жаҳл билан ёндошмаслик керак. Боламизнинг «Мен» и фаол таъсир этиб турган вақтда, унга ниманидир уқтириш фақат келишув асосида бўлгани маъқул. Маслаҳат бериш билан бирга кўпроқ бирга бўлинг, уни тингланг, биргаликда турли ишларни бажаринг, лекин болага ҳаддан ортиқ эътибор бериб, унга ёпишиб қолманг. Катъиятли бўлинг, асло босим ўтказманг – натижа тескари тус олиши мумкин. Биргаликда бажаралидаган бирор нима ўйлаб топинг, наинки бу иш болангизга ва ўзингиз учун ҳам қизиқиш уйғотсин. Шундай ҳолатлар бўладики: бола ўз ота-онасига нисбатан дўстларининг ота – оналарига ҳурмати юқориқроқ бўлади. Чунки, ота – онасидан кўрқув ҳисси улардаги меҳр ва шахсий сифатларини кўришга тўсқинлик қилади, шунда улар кўпроқ дўстлари ота – онасига ҳавас ҳисси билан қарай бошлайди.

Дарҳақиқат, барчамиз «ота – она» каби маъсулиятли вазифани ўз зиммамизга оларканмиз, асосий нарсани эсдан чиқармаслигимиз лозим. Фарзандларимиз тарбияси жуда машаққатли узоқ муддат билан амалга ошириладиган жараён. Маҳсулотни қозонга солиб қўйиб, мазали таом тайёрлаган каби осон кечадиган усул эмас, балки катта қувват, мустақкам ирода ҳамда шахсий намуна талаб этади. Айнан сизга тақдим этилган асосли фикрлар шахсий эҳтиёжлар талабига асосланиб ўрганилган. Албатта, бундай машаққатли йўлда толмасдан, адашмасдан, йўқотмасдан самарали натижага эриш учун бирдай ҳақаркат қилиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И. Энг асосий мезон–ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т., «Ўзбекистон». 2009.
2. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент., «Маънавият», 2008.
3. Шпет Г.Г. Этник психологияга кириш. Сочинения. –М.,1989.
4. Фрейд З. Психология масс и анализ человеческого «я». –Минск.,1994.
5. Лебон Г. Психология народов и масс.– СПб., Макет, 1995.

УДК: 37.013: 373.62

### **ТЕХНИКА ЙўНАЛИШИДАГИ ФАНЛАРНИ ўҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Муртазаева Г. - ТИМИ магистранти**

#### **Аннотация**

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар таълим – тарбия жараёнини модернизациялашни тақазо этади. Таълим соҳасида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув - тарбия жараёнини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий ва амалий билимларни талабаларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан талаб этилади, бугунги кунда ривожланган

мамлакатларда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларни оширувчи, таълим – тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўплаган бўлиб, бу тажриба асосини педагогик технологиялар ташкил этмокда [1].

“Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим”, деб таъкидлаган Президентимиз И.А.Каримов.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра таълим оловчиларга ўқув – билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий курашларни дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларини янада бойитиш, мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан педагогик технологияларни ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим оловчи талабаларда мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш мавжуд ғояларни таҳлилқилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликларни топа олиш қобилиятларни тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахасис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбатга асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади. Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда суҳбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қилади, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида талабаларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, талабалар бу вазиятда суҳбат тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мувожаат қилинганда жавоб қайтариш, кам ҳолларда руҳсат этилганидагина сўзлашдан иборатдир. Амалий машғулот дарсларида эса аксинча кузатилади [3].

Техника йўналишидаги фаннинг мақсади талабаларда билим кўникмаларни шакллантириш учун машғулотларни тўғри ташкил қилиш, дарс учун муҳим бўлган жиҳозлардан фойдалана олиш ва уларни амалиётда қўллаш билиш демакдир.

Қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларида олиб қарасак техника фанларига ихтисослашган ўқув муассасаларида ўқитиш бир мунча мураккаб бўлиб, фанни ўқитишда асосан талабаларга лаборатория шароитида дарс жараёнларини олиб бориш уларнинг мутахасислик фанларидаги мураккаб терминларни тезроқ онгига сингишига замин яратади. Соҳа бўйича қўлланилаётган ҳар бир педагогик технологиялар талабаларнинг фан юзасидан кенгроқ маълумотларни қабул қилишига хизмат қилади.

Дарс вақтида кўргазмали қуроллар ва тақдимотлардан шунингдек, педагогик технологияларнинг турли методларидан ушбу фан мавзуларига мос равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Асосан техник йўналишдаги фанларнинг дарс жараёнларида педагогик технология усулларида

- лойиҳа;
- кейс ;
- аклий ҳужум;
- класстер;
- балиқ скелети;

- нилуфар гули каби методларни қўллаш бу талабаларни фанга бўлган қизиқишини ва фанга нисбатан маъсулиятини оширади. Техника фанларидаги

лаборатория шароитида кичик моделлардан фойдаланиш эса талабаларда тасаввурнинг бойлигига ҳамда чуқурроқ билим, куникмаларини шакиллантиришга хизмат килади.

Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш педагогик нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга. Биз нафақат педагогик технология, балки мультимедиа воситалари, 3D STUDIOMAX дастуридан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Бу дастур ёрдамида юқори сифатли анимация ва 3 ўлчовли моделларни профессионал даражада яратади. Бу дастур ёрдамида юқори сифатли мультипликацион филмлар, ўқув фанлари буйича кўргазмаларни дарс ишланмаларини тайёрлаш мумкин. 3D STUDIOMAX дастури техник йўналишдаги фанлар учун айна муддаодир. Чунки техник курилмаларнинг қай усулда лойиҳалаш, уларни куриш, ишлаш самарадорлигини табиий жараёнлардагидек талабаларга мультипликацион фильм сифатида етказиб беради. Бу эса педагогик билимларни талабаларга имкон қадар реал ҳаётга боғлаган ҳолда ўргатиш демакдир [2].

Хулоса қилиб айтганда, таълим олувчи ўқувчи ва талабаларга маълумот ёки ўқув материалларни шундай тақдим этиш керакки, у визуал идрок қилиш қобилиятини осонлаштирсин. Бу эса кўз билан доимо ниманидир кўрсатиш кераклигини билдиради. Техника фанларини ўқитишда мультимедиялар, кўргазмалар, қурооллар, тақдимотлар, моделлардан фойдаланиш олинган билимлар киши хотирасида узок вақт сақланади ва ўзлаштириш кўрсаткичлари самарасини оширади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ишмухамедов Р.Ж ва бошқалар. Таълимда инновацион технологиялар. – Т., “Истеъдод” жамғармаси.
2. Исмаилова З.Қ., Мусаев Р.С., Шоюсупова А.А. Ўқитишнинг замонавий технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т., ТИМИ, 2010.
3. Хақимова М.Ф. Қасбий педагогика. Ўқув қўлланма. – Т., Фан ва технология, 2007.
4. Хақимова М.И. ПТ ва ПМ. Маърузалар матни. – Т., ТДИУ, 2012.

**Илмий раҳбар:**

**Д. О. Химматалиев**

**УДК:37.013.8:377.018:303.425.4**

### **МАШИНАСОЗЛИК ФАНЛАРИДАН ДАРС ЎТИШ УЧУН КЎРGAЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**Усмонов Т.У. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Жуманов А.А. - ТИМИ кабинет мудири**

#### **Аннотация**

Кўргазмалар воситалардан фойдаланиш дарснинг сифатли, тушунарли ва талабаларнинг ўрганилаётган мавзунини яхшироқ ва тўлиқроқ тушунишга, олаётган ахборотларни юқори даражада қабул қила олишлигига ҳамда ўқитувчининг педагогик имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Кўргазмалар воситалар тушунарли ва мустақкам билим олишлигини таъминлайди, назарий ва амалий билим алоқосини амалга оширади, абстракт тушунчани аниқ фикр билан ривожланишини боғлайди, талабани билишига қизиқувчанлиги ва фаоллигини шакллантириб боради.

Кўргазмалар воситалардан ўқитувчи ўқув материалларнинг баён этишда, талабанинг мустақил фаолиятида билим олиш, кўникма ва малакани шакллантиришда, материалларни ўзлаштиришнинг назоратини олиб боришда ва ўқитувчи ҳамда талабанинг бошқа фаолиятларида фойдаланилади.